2010 йил 22 апрель, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ · № 77 (11.638) · Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Малайзия Халқ ишончи жамғармаси ва Халқаро тадбиркор аёллар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистон ва Малайзия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бошланди.

• Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, «GTZ»—Германия техник ҳамкорлик жамияти ҳамда бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган «TQM UZ — 2010» сифат бўйича менежерларнинг III халқаро форуми очилди.

• Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида лойиҳа қиймати 10 миллиард сўмлик МЧЖ «TEMUR MED FARM» фармацевтика фабрикасининг қурилиши бошланди. Ушбу корхонанинг фаолият бошлаши билан 100 та янги иш ўринлари яратилади.

• Кеча Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Тасвирий санъат+5» санъат ҳафталиги очилди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда бўлиб ўтаётган мазкур ҳафталикда таниқли ва ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар, фото ва либос дизайни усталари, мутахассислар ҳамда санъат мухлислари иштирок этмоқда.

• Ангор, Денов ва Музработ туманларида истиқомат қилувчи 35 та кам таъминланган оилага «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими томонидан беғараз тарзда соғин сигирлар топширилди. Жорий йил охиригача яна бу ерда кўп болали оилалар учун 100 та соғин сигир туҳфа қилиш кўзда тутилган.

• Навоий шаҳрида Адлия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Ҳуқуқ билимдонлари» республика танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари ўқувчиларидан ташкил топган жамоалар ўзаро беллашди.

• «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида «Миллий эстрада: мусиқа, матн ва ижро уйғунлиги» мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

• Наманганлик хусусий тадбиркор Неъмат Фатхиддинов савдо йўналишида фаолият кўрсатиб келган “Люкс Плюс Сервис” хусусий фирмаси негизида ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Бу ерга лизинг йўли билан хориждан тикув дастгоҳлари ва ёрдамчи технологик жиҳозлар олиб келиниб, эркаклар костюм-шими ҳамда пальтолари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада “Levent” савдо ёрлиғи билан тайёрланаётган замонавий бичимдаги юқори сифатли либослар истеъмол бозорида тобора харидоргир бўлмоқда.

### ЖАҲОНДА

• Ироқ Ташқи ишлар вазири Ҳошияр Зебари Теҳронда бўлиб ўтган ядро қуролини тарқатмаслик масалаларига бағишланган конференцияда Исроилнинг ядро объектларида халқаро инспекция текширувини ўтказишни талаб қилди. Зебарининг таъкидлашича, Исроилнинг ядро дастурини ҳам халқаро ҳамжамият назорат қилиши керак. Бундан ташқари, Ҳошияр Зебари Яқин Шарқни ядро қуролидан бутунлай ҳоли ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурди.

• Хитойнинг Цинхай музофотида 14 апрель куни юз берган кучли зилзила оқибатида қурбон бўлганлар хотираси учун кеча мамлакат бўйлаб мотам куни ўтказилди.

• Исландиядаги музликда ҳаракатга келган вулқон оқибатида авиакомпаниялар кўраётган талафотлар миқдори ортиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунга келиб кунлик иқтисодий йўқотиш миқдори 300 миллион АҚШ долларига етган. Табиий офат авиасаноатга жами 1,7 миллиард АҚШ долларидан зиёд зарар етказган.

• Грециянинг давлат хизмати ходимлари мамлакат ҳукуматининг молиявий-иқтисодий инқироз шароитидан чиқиш, давлат бюджетидаги камомадни тўлдириш, ташқи қарзлар ўсишини тўхтатиш юзасидан ишлаб чиққан ва амалда жорий этган чоралар дастурига қарши бугун ва эртага оммавий иш ташлаш ўтказяпти. Ушбу иш ташлаш давлат секторининг барча бўғинларини қамраб олади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Инсоннинг маънавий баркамолликка эришишида мусиқа санъатининг ўрни беқиёсдир. Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, доимо энг эзгу, юксак, шу билан бирга нозик инсоний кечинмаларни, маданий мерос анъаналарини миллий оҳанглар орқали тараннум этади, халқ маънавиятини акс эттиради.**



2010 йил — Баркамол авлод йили

## ИСТЕЪДОД ҒУНЧАЛАРИ КАМОЛ ТОПМОҚДА

Айтиш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси сифатида миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимиз тарихини, бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш, бадиий-мусиқий меросимизни ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш учун барча имкониятлар яратилди.

— Бугунги кунда мусиқа санъати ҳам ўзининг бетакрорлиги, анъаналарини сақлаб, ривож топмоқда. Бу борада айниқса ёшларимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишига алоҳида эътибор қаратилаётир, — дейди Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова. — Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб, фарзандларимиз истеъдодини ҳар томонлама очиб беришга, маданий савиясини юксалтиришга, санъат орқали миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш, бойитишга қаратилган. Ёшларимиз миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратилаётир.

Истеъдод ғунчаларини ўз бағрига олган мазкур лицейда барча шарт-шароитлар муҳайё. Бунинг самараси ўлароқ бу ерда таҳсил олаётган истеъдод соҳиблари устозлари ишончини оқламоқда. 2008 йилда республика ўрта махсус билим юртлараро ўтказилган кўрик-танловда лицейнинг бир қатор ўқувчилари муносиб ўринларга сазовор бўлган. Беҳзод Абдураимов «Келажак овози» танлови, «Ниҳол» мукофоти, Англияда бўлиб ўтган халқаро пианиночилар кўриги ғолиби, АҚШда ўтказилган бир қатор фестиваллар совриндори. Нодир Ҳошимов ҳам скрипка ихтисослиги бўйича ўтказилган халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган. Ҳозирда Беҳзод ва Нодир хорижда нуфузли мусиқа билим юртида ўз салоҳиятини бойитмоқда.

Ўтган йилда Нодира Дадамуҳамедова ва Иноятхон Абдуллаева Италияда, Тамара Акбарова Швецияда ўтказилган халқаро танловларда биринчи ўринга сазовор бўлишди. Бундан ташқари, лицей ўқувчилари «Индивидуалис» (Украина), «Умидлар, истеъдодлар» (Болгария), «Астана-Мерей» (Қозоғистон), шунингдек Германия, Италия, Россия, Руминия, Франция, Швейцария ва Австрияда ўтказилган халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган. Нилуфар Муҳиддинова Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик санасига бағишлаб Франциянинг кўплаб шаҳарларида ўтказилган маданий тадбирларда муваффақиятли иштирок этди.

Лицейда таҳсил олаётган иқтидорли ўғил-қизларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари қалбимизни ғурурга, фахрга тўлдиради, албатта. Бу йили эса лицейда яна бир катта қувончли воқеа юз берди. Халқаро танловлар совриндори Нодира Дадамуҳамедова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Келажагимизнинг ёрқин истиқболи бўлган санъатимиз гулғунчаларига келгусида ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: лицей ҳаётидан лавҳа. Алексей Попов олган сурат**

## ШҲТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси якунларига доир

## АХБОРОТ

**Тошкентда 21 апрель куни ШҲТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли идоралари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида ўтган йили содир бўлган йирик фавқулодда ҳодисалар, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва чиқарилган хулосалар юзасидан мажлис иштирокчиларининг ахбороти тингланди. Томонлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашдилар.

ШҲТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси якунлари юзасидан протокол имзоланди.

Тадбир иштирокчилари мажлиснинг амалий ва ишчанлик руҳида ташкил этгани учун Ўзбекистон томонига самимий миннатдорлик билдирдилар.

**(ЎзА)**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## КЕКСАЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

**Мамлакатимизда кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 24 мартда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ёши улуғ юртдошларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

— Айни кунларда пойтахтимизда 1700 нафардан ортиқ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилади, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Абдуназар Шералиев. — Тиббиёт ходимлари томонидан саломатлиги назоратга олинган нуронийларга 2009 йили 14 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили пойтахтимизда яшаётган ўнлаб уруш ва меҳнат фахрийсига жойлардаги сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш ва дам олиши учун бепул йўлланма берилган. Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Янгиобод маҳалласида яшовчи Қиёмиддин Боқаев бу йил 87 баҳорни қарши олди. Турмуш ўртоғи Озода опа билан пиру бадавлат ҳаёт кечирмоқда.

— Мамлакатимизда фарзандларимизнинг ўқиши, меҳнат қилиши, спорт билан шуғулланиши учун яратилган замонавий шарт-шароитга ҳавас қилса арзийди, — дейди Қиёмиддин бобо. — Биз, кексалар шундай доруломон кунларга етганимизга шукроналар айтамиз. Кексаларга меҳр-оқибат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилса, улар ўзини янада тетик ва бардам ҳис қилади. Давлатимиз раҳбарининг иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисидаги фармони билан танишиб, бундай эътибордан баҳраманд бўлаётганимиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Отахону онахонлар қадрланган жойда файзу барака, аҳиллик, тотувлик ва тараққиёт бўлади. Юртимизда қарилик гаштини сураётган ёши улуғлар доимий ардоқда. Уларга байрам арафасида совға-саломлар улашилиб, моддий ва маънавий мадад кўрсатилмоқда. Бу уларнинг кучига-куч қўшиши табиий.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга, ёшлар тарбиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** «Туркистон» саройида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари иштирокида Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган «Ҳуқуқ билимдонлари» беллашувида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти гуруҳлари ўзаро беллашишди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университетида «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан талабалар, ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар «Оғусиз ҳаёт сари» деб номланди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Тасвирий санъат ҳафталиги — 2010» доирасида ташкиллаштирилган «Камалак-2010. Миллий анъаналар ва замонавийлик» мавзусидаги болалар ижодиёти фестивали кўргазмаси Баркамол авлод йилига бағишланди.





**Қўлимизга тўлдириб тупроқ олдик. Бироз ўтгач бутун вужудимизга қон югургандай бўлди. Енгиллик ҳис қилдик... Деҳқон ҳам умид билан тупроққа уруғ қадайди. Боғу роғлар пайдо бўлади, баракали хирмонлар униб чиқади. Кулол меҳр билан тупроқдан зувала ясайди. Гўзал буюмлар, санъат асарлари яралади. Оддий тупроқ, лекин... Она заминимизнинг бундай сир-синоатлари битмас-туганмасдир!**

# ОНА ЗАМИНИМНИНГ ОЛТИН ТУПРОҒИ

Илк цивилизация пайдо бўлишининг сабаблари кўп. Аммо ўтроқ ҳаёт, шаҳарларнинг юзага келишига сопол буюмлари, яъни оддий тупроқдан тайёрланган идишлар асос бўлганини кўпчилик билмаса керак. Азим шаҳримизнинг бундан 22 аср муқаддам пайдо бўлганидан ҳам Шоштепа, Мингўрик, Оқтепа археологик обидаларида олиб борилган қазилмалар дарак беради. Бу қадимий қўрғонларда топилган сопол идишларини қўлингизга олар экансиз, кўз ўнгингизда гўё ўша узоқ-узоқ даврларда яшаб ўтган аждодларимиз гавдаланади. Уларнинг ҳунар билан машғул бўлаётганини, ҳаттоки чеҳраларини кўргандай, англагандай бўлади киши. Наҳотки, ҳар куни оддий кўринган тупроқнинг шунчалик ўзига тортгувчи кучи бор, деган фикр хаёлдан ўтади. Шундай дамларда ҳаттоки оёғинг остидаги она ерни ҳам сени том маънода ушлаб турганини англаб, қаттиқ босмасликка, зиён етказмасликка ҳаракат қиласану, бироқ... Бир қадам ортга ташлайсан, четга ўтасан. Бўшлиқ йўқ, ҳаммаёқ она ердан иборат... Булар ўтгувчи хаёл бўлиб қолаверар экан. Ҳаёт эса давом этади. Яна илдам қадам ташлаймиз...

Шундай ўйлар бизни ҳам кулол уста Раҳимовларнинг «Уста-шогирд» мактабида бўлганимизда узоқ вақт тарк этмади. Ҳа, моддиятнинг маънавий дунёси... Токчаларда, деворларда сополдан яралган асарларни кўриб, чарх устида яралаётган яна бир гўзалликдан баҳра олиб, шундай фикр қилдик. Сулоланинг олтинчи авлоди Алишернинг сопол бўлакчасининг сақланиб қолинган чизиқлари ва бўёқларини синчковлик билан, аммо аста-аста, авайлаган ҳолда ўрганаётганини кузатдик. Бундай пайтларда халал бермаслик, сукут сақлаш лозимлигини англадик.

Ўрганган, аниқлаган нарсаларини қоғозга туширгач, Алишер қизиқишимизни тушунган ҳолда биз билан мулоқотга киришди.

— Уста кулол бўлсамда, бироқ менга ҳали сабр-тоқат етишмаётгандай туюлади, — сўз бошлайди Алишер. — «Уста-шогирд» деганда, кўпчилик ўз ҳунарини ўргатиб, янги авлод вакилларини тайёрлашни тушунади. Менинг назаримда, шогирд тайёрлаш аслида уста тайёрлашдир. Бунинг учун эса устоз бўлмоқ лозим. Уста ўз ҳунари сир-асрорларини пухта ўрганса, доимо изланса, тажриба орттирса ва шу тариқа ўзига хос мукаммаллик даражасига етгандан кейингина устозлик қилишга ҳақли деб биламан. Бунга беш-ўн йил камлик қилса керак... Устозликда устун бўлган хусусият — сабр-тоқат узоқ йиллар давомида шаклланади. Нима учун мени кулолчилик меҳнатига отам эмас, Муҳиддин бобом ўргатганларини энди-энди англаётирман. Фарзандим Шоҳрухни ўйинқароқ, қизиқишлари шунчаки деб ўйлаётганим ҳам бежиз бўлмаса керак. Демак, ҳали тўлалигича сабр-тоқат орттира олмаганман. Отамнинг набираларини чарх ёнига ўтказиб, нималарнидир тушунтираётганларини кузатган сарим, бувам кўз олдимга келадилар. Сулоламиз еттинчи авлодда ҳам давом этишига ишончим комил.

Тошкент кулолчилик мактабига асос солган Раҳимовлар сулоласи кўплаб заргару мисгарларимиз, ёғоч ўймакорию ганчкорларимиз қаторида нафақат республикамизда, балки талай шарқ ва ғарб давлатларида ҳам ўз ҳунари билан ўзбекнинг, сиз билан бизнинг номимизни тараннум этиб келмоқда. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XVII асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг қадимий «Оқлон» маҳалласида уста Салим бу ҳунарни яратиб, кейинчалик унинг фарзанди ва набираси уста Карим ва уста Олим томонидан давом эттирилган. Академик Акбар Раҳимовнинг отаси тўртинчи авлоддаги кулолзода Муҳиддин Раҳимов XX асрда — ҳунармандчилик таъқиб этилган даврда аждодларидан мерос бўлган кулолчилик сир-асрорларининг сақланиб қолишига астойдил ҳаракат қилган. Анъанавий кулолликка содиқ қолган ҳолда, айни ўз даврининг ижодкори сифатида турли хил услуб ва йўналишларда ишлаш ҳуқуқини ёқлаб чиқди. Қадимги ва ўрта аср кулолчилик санъати намуналарини ўрганиб, амалда тиклашга ҳам эришди. Шу билан бирга улар асосида XX аср Ўзбекистон кулолчилиги санъатида миллий сопол анъаналарига янгича оҳанг бериб, мустақил йўналиш яратди. Муҳиддин Раҳимов сополдан яратган асарлари шу билан диққатга сазоворки, уларда андозавий, анъанавий ва жамоавий йўлдаги санъат билан ижодий ўзига хослик самараси бўлган изланишлар омухталашиб кетган.

Бугунги кунда устанинг фарзанди ва набираси ушбу миллий меросга муносиб эканлигини намоён этиб келишмоқда. Акбар Раҳимовнинг ота-боболари ҳунарини мукаммал ўрганиш билан бирга Тошкент кулолчилик мактабининг ривожланиб, янада сайқал топишида хизмати катта. Шу билан бирга узоқ йиллар давомида олиб борган изланишлари натижасида йўқолиб кетган Шаҳрисабз ва Каттақўрғон услубларини ҳам тиклашга муваффақ бўлди.

— Мен ўзимни бахтли инсон деб биламан. Ота-боболарим менга мерос сифатида ижодни қолдиришган. Отамнинг баъзи бошлаб тугатишга улгурмаган ишларини ниҳоясига етказишга эришганимдан ҳам мамнунман. Фарзанд ота ҳунарини эгаллар экан, унга муносиб бўлиш бурчини адо этмоғи лозим, — дейди уста Акбар Раҳимов. — Самарқанд шаҳридан 80 километр узоқликда жойлашган Каттақўрғон XVIII асрда йирик кулолчилик маркази ҳисобланган. Маълумотларга қараганда, ўша пайтларда кулоллар меҳнатига солинган катта-катта солиқлар туфайли бу ҳунар йўқолиб кетган. Шу ўринда, албатта, мустақиллигимиз шарофати билан Юртбошимиз раҳнамоликлари остида ҳунармандлар учун очиб берилган кенг имкониятларни ғурур билан айтиб ўтмоқ лозим. Ҳунармандларнинг солиқ тўлашдан озод қилингани – бу катта гап. Энг муҳими яна шундаки, яширинча ишлаш шароитидан ёруғликка чиққан ҳунарманд том маънода қаддини ростлади. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари билан биз, ҳунармандларга солиқ имтиёзлари узайтирилди. Ўйлайманки, бугунги кунда бизларга давлат сиёсати даражасида кўрсатилаётган бундай юксак ғамхўрлик авваллари хўрланган ҳунармандларнинг ҳам номи шарафланиб, хотираси шод бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатлардир... Археолог-олимлар билан қадимий обидаларда олиб борилаётган қазилма ишларида қатнашиб келамиз. Сопол топилмалари «Уста-шогирд» мактабида илмий ёндашилган ҳолда ўрганилиб борилаётир. Каттақўрғон услубини қайта тиклашга отам саксонинчи йилларда киришган эдилар. Бир йил аввал бу йўналишдаги узоқ давом этган изланишлар ўз натижасини берди. Шаҳрисабзда Музаффар Аҳад деган машҳур кулол яшаб ўтган. Фарзандлари бўлсада, аммо ҳунарини давом эттиришмагани боис Шаҳрисабз кулол услублари асраб қолинмаган. Ниҳоят Шаҳрисабз мактаби ҳам тикланди. Ўтган йили Музаффар устанинг икки набираси мактабимизда бобоси ҳунарини ўзлаштириб, бугунги кунда буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллуд топган шаҳарда кулолчилик мактабини ривожлантиришни бошлашди.

... Чарх айланади. Вақт ўтиб бормоқда. Ҳаёт давом этаётир. Бугунги юксак технологиялар асрида ҳунармандлар меҳнати ҳам енгиллашгандай кўринади. Кулолнинг асосий иш қуроли бўлмиш чарх замонавийлашиб, электр қуввати орқали ҳаракатлана бошлади. Бироқ оддий тупроқнинг сув билан қориштирилиб, олтин зувалага айланиши учун бунинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун устанинг қўли, унинг меҳри талаб этилади. Шундагина бизни она заминимиз қадрига етказишга қодир ҳақиқий санъат асари яралади.

Машаққатли, бироқ ўзига хос сеҳрга тўла меҳнатнинг гўзалликни, яратувчанликни тараннум этувчи маҳсули асрлар оша, сулолалар оша миллий қадрият сифатида абадий бўлиб қолаверади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: уста кулол Акбар ва Алишер Раҳимовлар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

Фан

## ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ИЗЛАНИШДА

**Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти ўзининг ўн йиллик санасини нишонлади. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган бу нуфузли илмий марказ шу давр мобайнида ҳар томонлама ривож топиб, кўплаб тадқиқотларни амалга оширди.**

Академиянинг тарих институти билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар натижасида қатор монографиялар босмага тайёрланди. Чоп қилинган илмий тўпламлардан бир нечтаси чет эллик мутахассис олимлар иштирокида муҳокама қилиниб, ижобий баҳо олди.

Баркамол авлод йили муносабати билан янги режалар белгилаб олинди. Унга кўра, жамият тадқиқотларига иқтидорли ёш олимлар жалб этилади. Шу кунларда ёш олимлар илмий-жамоатчилик доираларида давра суҳбатлари уюштириш тадбирларини кўрмоқда. Навбатдаги илмий конференция «Баркамол авлод: изланиш, тадқиқот ва самара» мавзусида уюштирилади. Энг яхши илмий мақолалар алоҳида тўплам ҳолида тақдим қилинади.

## «ИСКАНДАР» — ИСТИҚБОЛЛИ НАВ

**Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий тадқиқот институтларида ўсимликларнинг қатор янги навлари яратилмоқда. Бу самарали изланишлар республика қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази томонидан оммалаштирилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.**

Ўзбекистон Шошилинч илмий текшириш институти мутахассислари яратган «Искандар», «Мустақиллик» шоли навлари истиқболли деб топилди. Эндиликда серҳосил ва касалликка кам чалинадиган бу хил шолилар ғаллачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликларида кўплаб етиштирилиб, юқори ҳосил олинмоқда.

Институт янги шоли навлари агротехника тадбирлари бўйича ҳам тавсиялар ишлаб чиқди.

## ИНСТИТУТГА СЕРТИФИКАТ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан 2010 йил халқаро биологик хилма-хилликни сақлаш йили деб эълон қилинди. Ўзбекистонда фаннинг ана шу муҳим йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб бораётган илмий муассасаларда ҳам янги режалар ишлаб чиқилди.**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология институти олимлари республикада биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича ишлаб чиқилган миллий стратегия лойиҳаси доирасида қатор йирик илмий изланишларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада эришилаётган ютуқлар учун институт сертификатларни қўлга киритди. Жаҳон фани ютуқлари даражасида бажарилган фундаментал тадқиқотлар хорижда эътироф қилиниб, яхши самара бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, илмий муассаса жамоаси ушбу соҳа йўналишида ўзига хос илмий мактаб яратган йирик тадқиқот маркази деб баҳоланди.

**Акбар АЛИЕВ**

Таълим

## УСЛУБИЙ ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛДИ

**Вояга етаётган ҳар бир ўғил-қизимиз халқимизнинг бой анъаналари, урф-одатлари, ўзлигимизга хос қадриятлардан воқиф бўлмоғи, шу билан бирга замон билан ҳамнафас шаклланиши лозим. Болажонларимиз эртага улғайиб, юрт истиқболига ҳисса қўшадиган умидимиз ғунчаларидир.**

Шундай экан, мактабгача таълим масканларида фаолият юритаётган ҳар бир мураббий ҳам таълим-тарбия жараёнининг энг илғор анъаналаридан етарлича хабардор бўлиши талаб этилади.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан Болалар ижодиёти уйида ўтказилган «Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари заҳираларига услубий ёрдам бериш» мавзусидаги ўқув-семинари соҳа мутахассисларининг малака ва иш тажрибаларини ўртоқлашишда муҳим қадамлардан бири бўлди.

Икки босқичда олиб борилган машғулотлар мобайнида Собир Раҳимов, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек туманларининг соҳа ходимлари шўъбаларга бўлинган ҳолда услубий масалаларни муҳокама этишди.

— Бугунги тадбир иш фаолиятимни янада мукаммал олиб боришимда ўзига хос ўрин тутади, — дейди 171-мактабгача таълим муассасаси услубчиси Манзура Латипова. — Шунинг баробарида ҳамкасабаларимнинг фаолияти доирасидаги янги педагогик технологиялар билан ўртоқлашиш имконига эга бўлдим.

Маълумки, барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия тизимида ҳам ислоҳотлар давом этмоқда. Айниқса мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, кадрларнинг малакасини ошириш, меҳнат интизомини мунтазам равишда назорат қилиб бориш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Семинар машғулотлари давомида қайд этилган талаблар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридаги белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг тарбия жараёнида тутган ўрни, маънавий-маърифий ишлар тарғиботи сингари масалалар йиғилиш иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

**Қаҳрамон МАҲКАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**



Ободонлаштириш

## ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

**Шаҳримиз кўчалари кун сайин чирой очиб, ўзгача манзара кашф этаётганлиги кўзни қувонтиради. Барпо этилаётган замонавий осмонўпар биноларга ҳамоҳанг равишда ранг-баранг дов-дарахтлар, хилма-хил анвойи гулларнинг очилиб турганлиги хиёбонлар, майдонлар ва кўчаларга кўрк, тароват бағишламоқда.**

Албатта, бундай улкан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва саранжом-саришталикка эришилишини катта меҳнат, керак бўлса, кўчаларимизга ҳусн бағишлаб турган ҳар бир ниҳолни меҳр билан парваришлашнинг самараси деб тушуниш мумкин.

Марказий майдонларни ободонлаштириш махсус бошқармаси ана шундай пойтахтимиз чиройига кўрк қўшаётган қўли гул жамоалардан ҳисобланади.

— Айни чоғда жамоамизда 750 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Тоҳир Бувамуҳамедов. — Зиммамизга 20 дан ортиқ майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, санитария ҳолатини янада яхшилаш вазифаси юклатилган. Шулардан келиб чиқиб, Алишер Навоий мажмуаси, Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ майдони, Шаҳидлар хотираси, Мирзо Улуғбек боғи, Ўзбекистон Миллий боғи сингари қатор боғ ва хиёбонларнинг ободончилиги, кўкаламзорлаштирилишига мунтазам равишда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, баҳор мавсуми олдидан 1000 дан зиёд сафора, 700 та каштан, 400 дан зиёд гибистус, сирень, дейция ва жасмин сингари дарахтлар ва буталар экилди. Баҳор мавсуми якунига қадар 800 минг дона шундай турдаги манзарали дов-дарахтларни ўтқазиш ишлари режалаштирилган. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Уларнинг аксарият қисми бошқарма иссиқхонасида етиштирилмоқда. Шаҳримиз марказий майдонлари, боғлари ва хиёбонларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда айниқса Қувончбек Тўхтасинов, Мансур Норбўтаев, Абдувосиқ Муслимов сингари майдон бошлиқларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда**

